

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

ANDIJON DAVLAT CHET TILLARI INSTITUTI



**«ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK YO'NALISHLARI VA CHET
TILLARINI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR»**

MAVZUSIDAGI XALQARO II MIY-AMALIY ANJUMAN



**«СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЯЗЫКОЗНАНИЯ И
ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ОБУЧЕНИИ
ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ»**

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ



**“MODERN TRENDS IN LINGUISTICS AND INNOVATIVE
APPROACHES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES”**

PROCEEDINGS INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE



ANDIJON-2024. 10-IYUN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ANDIJON DAVLAT CHET TILLARI INSTITUTI



«ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK YO'NALISHLARI VA CHET
TILLARINI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR»

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN



«СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЯЗЫКОЗНАНИЯ И
ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ОБУЧЕНИИ
ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ»

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ



“MODERN TRENDS IN LINGUISTICS AND INNOVATIVE
APPROACHES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES”
PROCEEDINGS INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE

2024-YIL 10-IYUN

ANDIJON – 2024

Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2024-yil 18-yanvardagi “2024-yilga mo‘ljallangan xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 16-sonli buyrug‘i, shuningdek, mamlakat ilm-fani nufuzini yanada oshirish va xalqaro ilmiy-texnik hamkorlik ko‘lamini kengaytirishga qaratilgan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy anjumanlar, simpozium, kongress, seminarlar va boshqa ilmiy hamda ilmiy-texnik tadbirlarni yuqori ilmiy va tashkiliy amaliy darajada samarali o‘tkazilishini ta‘minlash maqsadida Andijon davlat chet tillari institutida “Ingliz tili nazariy aspektlari”, “Ingliz tili va adabiyoti” hamda “Ingliz tili amaliyoti” kafedralari tomonidan “Zamonaviy tilshunoslik yo‘nalishlari va chet tillarini o‘qitishda innovatsion yondashuvlar” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman o‘tkazildi.

Mas‘ul muharrir(lar):

f.f.n., prof. S.O.Solijonov

Tahrir hay‘ati:

f.f.d.prof. D.A.Rustamov
f.f.d.prof. M.I.Umarxo‘djayev
PhD. dots. M.A.Qurbonov
f.f.d.prof. G‘.M.Xoshimov
f.f.d.prof. V.A.Vositov
PhD. dots. M.G‘.Xoshimov
p.f.n. prof. Sh.S.Alimov
PhD. G.M.Ibragimova
PhD. Q.Umrzakov
kafedra o‘qituvchisi N.Xamidov
kafedra o‘qituvchisi Z.No‘monova

Tahrir nashriyoti bo‘limi muharriri:

A.A.Xomidov

Ilmiy-amaliy konferensiya materiallariga oid mazkur to‘plam, tilshunoslikning zamonaviy yo‘nalishlari va chet tillarini o‘qitishdagi innovatsion yondashuvlar hamda ulardagi dolzarb masalalarga bag‘ishlanligi bilan ahamiyatlidir.

Mazkur to‘plamdan respublika va xorijiy oliy ta‘lim muassasalarida hamda ilmiy-tadqiqot markazlarida faoliyat olib borayotgan olimlar, professor-o‘qituvchilar, doktorantlar, magistrlar va iqtidorli talabalarning ilmiy maqolalari joy olgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma‘lumotlar va me‘yoriy hujjatlar sanasining to‘g‘riligiga mualliflarning o‘zlari mas‘uldirlar.

Andijon davlat chet tillari instituti, 2024-yil

III. Жахон тилларидаги соха терминларини унификация қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

IV. Тиллардаги терминларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган долзарб масалалар маъруза жараёнида кенгрок ёритилади.

АДАБИЁТЛАР

1. М. Умарходжаев. Сўз дунёси- тил дунёси, тил дунёси- сўз дунёси. Андижон-2023.
2. Фортунов Ф.Ф. Сравнительное языковедение. Общий курс. УРСС. М., 2010. 180 с.
3. М. Умарходжаев. Тил илми уммонига кўшилган томчи(илмий мақолалар).- Тошкент: Академнашр, 2013, - 256 б.
4. OB Azamov THE PLACE OF PHRASEOLOGICAL SYSTEM IN EUROPEAN LINGUISTICS AND EARLY PHRASEOLOGICAL STUDIES// ТОМ 3 NH 2022/5/13 Международнқй журнал “Язык, методика перевод»

СЎЗ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ТАЪРИФЛАР ТАРИХИДАН

Сидикжон МУМИНОВ,

ФарДУ тилшунослик кафедраси профессори,
филология фанлари доктори.

Анваржон ЮЛДАШЕВ,

ФарДУ мустақил изланувчиси.

Аннотация

Дунёнинг аввали ва охири бўлган СЎЗ ўта серқирра ва сержило тил (нутқ) бирлиги бўлганлиги боис унга берилган илмий таъриф ва талқинлар ҳам узоқ тарихга бориб тақалишлиги, ранг-баранг, турлича эканлигини ўзига хос нуқтаи назардан тарихий таҳлил этиш мазкур мақоладан кўзланган бош мақсад ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар: сўз, талқин, бирлик, Веда, фалсафий мактаб, грамматик мактаб.

Дунё яралибдики, сўз каби буюк неъмат набобот ва ҳайвонот ичра фақатгина инсонга берилиб, уни азиз ва муқаррам этди. Бу ҳолат сўзни ижтимоий мақомини белгилаш билан бирга, ижтимоий онг ва ижтимоий борлиқни ташкил этувчи бутун моддий ҳамда маънавий неъматларнинг номини ифодаловчи ўта муҳим ижтимоий онг маҳсули эканлигини билдиради. Ижтимоий онгнинг ноёб неъматини бўлган сўзни идрок этишимиз, уни англашимиз, ўрганишимиз ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Зеро, “дунёнинг энг ажиб, энг сирли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатдир... Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра олади” [2, 3]

Жуда қадимдан сўз ҳақидаги фикр, тасаввур, изоҳ ва таъриф инсониятнинг тил илмига оид интилишларида, тилшуносликка бағишланган тадқиқотлар сатҳида ўз ифодасини топган.

Тилшунослик тарихининг мутахассисларидан лингвист олим Н.А.Кондрашов қадимги Ҳиндистонни тил ҳақидаги фаннинг бешиги сифатида баҳолаб, эрамиздан аввалги V асрдаёқ жонли истеъмолдан чекиниб, ўлик тил даражасига келган ва диний маросимлардагина қўлланилган санскрит тилидаги Ведаларни ўрганиш қадимги ҳинд тилшунослигининг тараққий этишига сабаб бўлганлигини асослайди. [4, 132] Қадимги ҳинд тилшуносларидан Панини ўзининг “Аштадхяни” асарида сўз, сўз ясалиши ва синтактик тизимга оид қарашларини баён этган. Қадимги ҳинд тилшунослари тил бирлиги сифатида сўзга нисбатан гапни тан олганлар ва фақат гап орқали фикр ифодаланади, деб тушунганлар. Уларнинг қарашларида сўз шакл ва мазмун нуқтаи назаридан мустақилликка эга эмас деб ҳисобланиб, сўзга тил бирлиги сифатида қаралмаган. Гарчи қадимги ҳинд тилшунослари ўз илмий қарашларида тилнинг асосий бирлиги сифатида гапга юқори баҳо берсаларда, унинг асосини ташкил этувчи сўзга нисбатан алоҳида ёндашувлари бўлган. Жумладан, қадимги ҳинд тилшуноси Бхартхари ўзининг “Гап ва сўз ҳақида асар” номли монографиясида сўз ва гап имлосини ўз ичига олувчи грамматикага қуйидагича баҳо беради: “У мангулик дарвозасидир, нутқни ифлосланишдан сақловчи доривордир, барча билимларни ёритувчидир”. [1, 56] Айнан шу ўринда тилшунос Бхартхари сўзни мажозий равишда изоҳлаб, фикрни ифодаловчи гапларни куёшга тенглаштирса, фикрга маъно ва тушунча берувчи сўзларни куёшнинг нурларига ўхшатади.

Сўзни таҳлил қилиш, унга изоҳ бериш, унинг моҳиятини очиш каби масалалар қадимги юнон фалсафасининг етакчи қисми сифатида қадимги Юнонистон тилшунослигида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Эрамиздан аввалги даврдаги юнон тилшунослигининг тараққиёт жараёни ўз ичига фалсафий ва грамматик даврларни қамраб олади. Бу жараёндаги тилшуносликнинг фалсафий даврида қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган деярли барча фалсафий мактаблар, оқимлар, йўналишлар тил масалалари билан фаол шуғулланганлар. Фикр юритилаётган даврнинг ўта долзарб ва энг муҳим муаммоларидан бири сўз муаммоси, сўзнинг табиий ёки шартли ходиса эканлиги ҳақидаги баҳс ва мунозаралар эди. Аниқроғи, юнон тилшунослиги фалсафий даврининг асосий ва бош масалаларидан бири сўз билан маъно орасидаги ёки предмет билан унинг номи орасидаги муносабат масаласи эди.

Қадимги юнон тилшунослигининг фалсафий даврида сўз билан нарса, яъни ном билан предмет ўртасидаги муносабат масаласини хал қилишда Гераклит ва унинг тарфдорлари қуйидаги ғояни ўртага ташлайдилар. Улар ҳар бир ном ўзи англатаётган нарса, предмет билан ажралмас алоқада, боғланишда бўлиб, ном, яъни сўзларда предметларнинг моҳияти намоён бўлади, деган фикрни илгари сурдилар. Уларнинг фикрича, сўз табиат томонидан яратилган ва табиат ҳар бир предмет учун алоҳида сўз ёки ном

belgilagan, sўz ёки ном берган. Сўзнинг маъно ифодалаш ҳамда нарса ва тушунчаларни номлашдаги ўзига хос имкониятларини изоҳлашда Гераклит ва унинг тарафдорларига қарши чиққан Демокрит бу соҳада қуйидаги ғояни илгари суради. Уларнинг фикрича, нарса, предметларнинг номлари, яъни сўзлар нарсаларнинг табиатига қараб, моҳиятига мувофиқ ҳолда қўйилмайди, балки номлаш жараёни одатга кўра, одамларнинг ўзаро келишувига, улар томонидан белгиланишига кўра амалга ошади. Демак, Демокрит ва унинг тарафдорлари фикрига кўра предметларга номлар табиат томонидан эмас, балки жамият томонидан берилади.

Сўзнинг ифода қудратини ташкил этувчи тушунча, нарса ёки предметларнинг маъносини ифодалаш, бутун борликдаги мавжуд моддий ва маънавий неъматларни номлашдек номинация устунлигига эга бўлиш жиҳатлари юзасидан қадимги юнон фалсафий мактабининг йирик вакиллари Гераклит, Демокрит, Хрисипп, Кратес, Эпикур, Платон кабилар ўз фикр ва илгари сурган ғоялари орқали сўз хусусиятларининг изоҳига самарали ҳисса қўшдилар. [5, 48] Уларнинг мазкур соҳадаги баҳс ва мунозаралари тизимли жиҳатдан тил ва қўлланилишига кўра амалий жиҳатдан нутқ бирлиги бўлган сўзнинг ижтимоийлик касб этиши, ижтимоий онг маҳсули сифатида ўртага чиқиши назариясига туртки бўлди. Юнон тилшунослигининг фалсафий даврида энг долзарб муаммо бўлган тушунча ва сўз ёки предмет ва унинг номи орасидаги муносабат масаласи Платоннинг “Кратил” номли асарида ҳам мукамал баён қилинади. [3, 166]

Қадимги юнон тилшунослиги грамматик даври вакиллариининг тил ёки нутқ бирлиги сифатида сўзга берган таъриф ва изоҳлари, фалсафа даври вакиллариининг қарашларига нисбатан анча теран ва мукамалроқ эди. Ўз даврининг йирик файласуфи ва қомусий олими Аристотель юнон тилшунослигининг грамматик даври вакиллариининг бўлиб, у тилга оид барча масалаларни мантиқ билан боғлиқ ҳолда ўрганди. Файласуфнинг “Поэтика” асарида сўзнинг инсон руҳиятига таъсири, уни қўллаш санъати, рангли ва оҳангдорлиги каби бадий сўзни вужудга келтиришнинг турли масалалари ўрганилади. Гарчи Аристотель ўз давридаёқ гапни фикр ифодаловчи нутқ бирлиги сифатида таърифлаган бўлса ҳам, гап таркибидаги сўзларни фикр учун манбаа бўлувчи асослар, дея изоҳлади. Унинг “Сўз предметларнинг, ёзув эса товушларнинг символикдир” хулосаси ўз даври учун юнон тилшунослигининг грамматик давридаги сўзга берилган изоҳ юзасидан жиддий хулоса эди. [1, 233]

Юнон тилшунослигининг грамматик даври вакиллариининг яна бири – Аристархнинг шогирди фракиялик Дионисий ўзигача бўлган юнон тилшунос тадқиқотчилариининг ишлари ва тажрибаларини ўрганиб, “Грамматика санъати” номли системалаштирилган дастлабки юнон грамматикасини юзага келтирди. Дионисий таълимотига кўра сўз сўзлашув нутқининг энг кичик бўлаги ёки қисмидир. Нутқ ёки гап эса сўзларнинг ўзаро муносабатидан, боғланишидан ҳосил бўлиб, тугал фикр ифодалайди. [6, 25]

Қадимги хитой тилшунослигида ўз даври учун муҳим бўлган ёзув ва сўзларни ифодалаш санъати асосида нутқнинг асосий бирлиги сифатида сўз

таърифини поэтикага боғлаш кенг тарқалган тадқиқот тури эди. Қадимги Хитойда Лу Цзининг “Вэнь фу” китоби илк поэтикалардан бири ҳисобланади. Мазкур асар хитой адабиёти тарихида энг қадимий адабий-назарий қарашлар мажмуаси бўлиб, унинг сўз-ма-сўз таржимаси “Нафис сўз ҳақидаги мадҳия” дея аталган. Лу Цзининг мазкур асари шеър, яъни поэтик сўз айтиш ва таълиф этиш қонуниятларини ўргатувчи манбалардан бўлиб, манбанинг ўзи ҳам шеърини шаклда ёзилган ҳамда хитой поэтикасига доир илк манба ҳисобланган. Асарда қатор проза, поэтик нутқнинг асосий талаблари каби масалалар юзасидан фикрлар билдирилиши билан бирга сўз инсон руҳияти ва бадиий борлиқни оммалаштирувчи асосий восита сифатида таърифланади. Мазкур китоб эрамизнинг олтинчи асригача энг ноёб манбалардан бири сифатида хизмат қилган. [4, 129]

Хитой тилшунослари жонли мулоқот жараёнида нутқни фикр силсиласи, сўзларни эса маъно ва тушунча ифодаловчи белгилар деб атадилар. Фалсафий жиҳатдан фикр тезлиги белги – сўзлар орқали мақсад сари интилиши, амаллар эса унга ета олмай қолиши мумкинлигини ифодалашган. Балки шунинг учундир, улуғ хитой мутафаккири Конфуций “Қадимда кам сўйлашар эди, чунки улар ўз сўзларининг ортидан етолмай қолишдан кўркишар эди” деб хулоса беради. [5, 164]

Қадимги ҳинд, юнон ва хитой тилшунослигида тил ёки нутқнинг энг кичик ва муҳим бирлиги сифатида сўзни изоҳлаш, унга таъриф бериш ва мантикий жиҳатдан сўзга оид хусусиятларни таҳлил қилиш, тараққиётнинг кейинги босқичида шарқ ва ғарб тилшунослигида сўз изоҳининг турли жиҳатдан батафсил ҳамда кенг тавсифланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айтилган фикрлар шундан далолат берадики, “Ҳаёт уммонида сузиб бораётган Тил кемасининг ҳар бир йўловчиси шу улов тақдирига жавобгардир.” [7, 2]

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В.. Очерки по истории лингвистики. – М., 1975.
2. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: O'zbekiston, 2014.
3. Кодухов В.И.. Общее языкознание. – М., 1974.
4. Кондрашов Н.А.. История лингвистических учений. – М., 1979.
5. Лоя Я.В.. История лингвистических учений. – М., 1968.
6. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: “Фан-технология”, 2007.
7. Шукур Э. Бобо сўз изидан. – Тошкент: Sharq, 2018.

MUNDARIJA | TABLE OF CONTENTS | СОДЕРЖАНИЕ

1.	KIRISH SO'ZI Rustamov Dilshodbek Abduvaxidovich	4
2.	ЗАМОНАВИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ТЕРМИНОГРАФИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ М.И. Умарходжаев	8
3.	СЎЗ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ТАЪРИФЛАР ТАРИХИДАН Сидикжон МУМИНОВ, Анваржон ЮЛДАШЕВ	9
4.	Some Thoughts on Language Teaching and Technology Christian Bonk	13
5.	Personalized Learning and Adaptive Learning Technologies: Tailoring Education for Every Learner Dr.Anand Binod Singh	15
6.	Artificial Intelligence, Technology and Teacher Competences Prof.Dr. Gonca Ekşi, Gulchehra Rahmanova	17
7.	ЛИНГВОСТРАНОВЕДЧЕСКИЙ ПОДХОД – ЗАЛОГ ПОНИМАНИЯ ТЕКСТА И КУЛЬТУРЫ СТРАНЫ ИЗУЧАЕМОГО ЯЗЫКА Марьина Ольга Викторовна	22
8.	Использование на занятиях по РКИ креолизованных публицистических текстов, созданных для детей Урайчик Ксения Олеговна	25
9.	ТИПОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОЛОГО- СИНТАКСИЧЕСКОЙ ПРИРОДЫ СУБОРДИНАТОРОВ В ГИПОТАКСЕМАХ ЯЗЫКОВ РАЗНЫХ СИСТЕМ Г.М.Хошимов	28
10.	Innovative Lexical Patterns in Modern English Vladimir I. Karasik Durdona Sh. Egamnazarova	34
11.	Taqlidiy so'zlarning fonetik xususiyatlari Ziyaev Avaz Ixtiyorovich Mohidil Sharipova	41
12.	Олий таълим ва мактаб: муаммолар ва уларнинг ечими профессор С.Солижонов профессор Ш.С.Алимов	44
13.	ZAMONAVIY LINGVISTIK KOGNITOLOGIYADA KONSEPT VA UNING TADQIQ ETISH METODLARI M.A.Abduvaliyev	49
14.	HOZIRGI INGLIZ TILIGA TURKIY TILLARDAN O'ZLASHGAN FE'LLARNING GRAMMATIK XUSUSIYATLARI Vositov Valijon Abduvaxobovich	53
15.	Innovative Lexical Patterns in Modern English Vladimir I. Karasik Durdona Sh. Egamnazarova	56
1-SHO'BA. ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK YO'NALISHLARI.		